# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

## ИНСТИТУТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ, МАСЛАҲАТ БЕРАДИ, ОҚ ЙЎЛ ТИЛАЙДИ

Бу йил олий ўқув юртларига қабул қилишнинг янги қоидалари жорий этилмоқда. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри М. С. Салоҳиддинов ЎзТАГ мухбирининг саволларига жавоб қайтарди.

### МИНИСТР БИЛАН СУҲБАТ

**— Ўзбекистон олий ўқув юртлари бу йил олтмиш тўрт мингдан кўпроқ кишини қабул қилади. Бироқ, одатдагидек, бу ўринларни эгаллашга ишқибозлар анча кўп. «Студент» номини олишга кимлар мушарраф бўлади?**

— Бу саволга, ҳамиша бўлганидек, конкурс жавоб беради. Олий ўқув юртига киришга иштиёқманд бўлган ҳар бир йигит-қиз ўз қобилиятларини тўла-тўкис намоён этиш имконини олади. Қабул комиссиясининг вазифаси эса унга **холисона** баҳо беришдан иборат.

**— Айни шу нарса, бўлажак инженерлар, педагоглар, врачлар, агрономлар, иқтисодчилар қай йўсинда танлаб олиниши ўқувчиларни айниқса қизиқтирмоқда...**

— Бўлажак мутахассислар ихтисослари рўйхатини давом эттириш мумкин — Ўзбекистоннинг 42 та олий ўқув юрти 210 ихтисосда кадр тайёрлайди. Бизнинг энг биринчи вазифамиз — имтиҳонларда олинган балларни таққослашдангина иборат бўлиб қолмай, ҳар бир йигит ва қизнинг ўз истеъдодига монанд касб танлашига ёрдам беришдан ҳам иборатдир. Бу иш имтиҳонлардан анча барвақт бошланади — институтлар «очиқ эшик» кунларини ўтказадилар, мактаб ўқувчиларини ўз факультетларига, кафедраларига, лабораторияларига таклиф этадилар. Аммо гап мактаб ўқувчилари ҳақидагина бораётгани йўқ — кўпгина ишчи ва колхозчилар, тажрибакор ишлаб чиқариш командирлари ҳам ўзлари танлаб олган ихтисос юзасидан олий маълумот олишга қизиқадилар. 1986 йилда жорий этиладиган янги қабул қоидалари энг қобилиятли ва меҳнатсевар кишилар учун, бўлажак ихтисосини қатъий равишда танлаб олган йигит-қизлар учун олий маълумот олиш имконини беради. Шу сабабли қабул комиссиялари зиммасига биринчи бор янги вазифа — касб танлашда кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

**— Хўш, танлаб олиш нимадан бошланади?**

— Суҳбатдан. Ўқишга иштиёқманд бўлган ҳар бир киши олий ўқув юртларининг ,факультетлар, кафедраларнинг раҳбарлари бошчилигидаги комиссия билан учрашади. Бўлажак студент ўзини бағишламоқчи бўлган фаолият ёки ижодиётдан билимдон бўлган кишилар абитуриент тўғрисидаги ўз фикрини ҳосил қилибгина қолмай, шу билан бирга унга маслаҳат ҳам бера оладилар. Жумладан, бу маслаҳат институтга кириб ўқишда студент оладиган таълимнинг характерини равшанлантирадиган тавсиядан иборат бўлиши мумкин. Абитуриентга яна бир бор ўйлаб боқиш, ўзини ўзи текшириб кўриш маслаҳати берилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас... Чунки баъзи ёшлар бир-икки йил ўқигач, ўз истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган ва жамиятга фойда келтирадиган соҳани танлаб олмаганини тушуниб қолмоқда. Шу сабабли абитуриент ўзининг бўлажак мураббийлари билан учрашувда қизиқишлари, майиллари, ишлари билан муайян касбни танлаб олганлигини асослаб бериши керак.

**— Бу суҳбат имтиҳон варақасида акс эттириладими?**

— Албатта. Суҳбат якунлари юзасидан олий маълумот олмоқчи бўлган мактаб ўқувчиси, ишчи, тажрибакор мутахассисга қўшимча баллар берилиши мумкин.

Касбни тўғри танлаганини амалий фаолияти билан исботлаган кишилар уч балл оладилар. Халқ хўжалиги тармоқларининг хизмат кўрсатган ходимлари, хизмат кўрсатган ихтирочилар ва рационализаторлар, «СССР ихтирочиси» ва «Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби» нишонлари билан мукофотланган кишилар биринчи навбатда шу жумлага кирадилар.

Заводда меҳнат қилиб, ўзининг ижодий қобилиятини кўрсатган кишининг амалий кўникмалари ва тажрибасини чуқурроқ билимлар билан тўлдириш иштиёқи нақадар табиий эканини исботлаб ўтиришга ҳожат бормикан. Масалан, бу йил Тошкент Политехника институти биринчи марта «Робот техникаси системалари» ихтисоси бўйича қабул этишини эълон қилди. Бу ишга республика заводларида ва конструкторлик бюроларида биринчи бор роботлар яратган, уларни созлаган, монтаж қилган кишиларни жалб этиш мақбуллиги табиий.

Ҳамма касбларда ҳам ўз иқтидори ва бурчини равшан англаш муҳимдир. Одамларнинг сиҳат-саломатлиги, ёшларнинг тарбияси ишониб топшириладиган кишилар ҳақида гап борганда бу фикрни алоҳида таъкидлагим келади. Медицина техникуми ёки билим юртини тамомлаб чиққандан кейин камида ўз ихтисосида уч йил ишлаган кишилар, етарли стажга эга бўлган кичик медицина ходимлари яхши врач бўлиб етишадилар, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Болаларнинг моҳир тарбиячилари, ҳақиқий ташкилотчилари ва йўл бошчилари эканликларини кўрсата олган кишиларга олий педагогика таълими йўлини очиб бериш ҳам муҳимдир. Бу йил ҳам анъанага кўра, Ўзбекистон университетларига, педагогика олий ўқув юртларига кўп кишини қабул қилиш билан бир қаторда, юзлаб йигит ва қизлар бошқа республикаларнинг институтларига бориб рус тили муаллими деган олижаноб касбни эгаллашга киришишларини эслатиб ўтмоқчимиз. Инженерлик, агрономлик ва бошқа касбларни тарбиячи қобилияти билан қўша оладиган кўпгина абитуриентлар, жумладан, инженер-педагогика факультетларига таклиф этиладилар.

Ўрта махсус ўқув юртларини ва махсус ҳунар-техника билим юртларини аъло баҳолар билан тамомлаб чиққан ёки олган касби соҳасида белгиланган муддатда ишлаб берган кишилар уч баллдан иборат катта имтиёз оладилар.

Запасга бўшатилган ҳарбий хизматчиларга, ўзи танлаб олган ёки турдош касбдаги амалий ишда икки йиллик стажга эга бўлган ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган кишиларга икки балл берилади. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин — қоидаларда турмушнинг ўзи тақозо этадиган бир қанча вазиятлар кўрсатиб ўтилган...

**— Эҳтимол, мана шундай «имтиёз» олганлар билан беллашиш мактаб ўқувчисига қийин бўлар?**

— Қийин, аммо мумкин. Чунки йигит ёки қиз ҳақиқатан ҳам ўз истеъдодини англаб, касбни қатъий танлаган бўлса, шу касбга тайёргарлик ҳам мактабдан бошланади. Олимпиадада, кўрикда, конкурсда муваффақиятли қатнашган мактаб ўқувчиларига ҳам қўшимча баллар берилиши мумкин. Роботлар мисолига қайтайлик, ўйлайманки, «механик ёрдамчи» — робот ясаган мактаб ўқувчиси шу ихтисос бўйича студентлар танлаётган қабул комиссиясининг алоҳида эътиборини ўзига тортади. Физкультура институтларига кирувчиларнинг юксак спорт унвони, тегишли профилдаги техника олий ўқув юртига кирувчиларнинг радио ва бошқа техника турлари бўйича спорт мастерлигига кандидат ёки спорт мастери унвони муайян афзалликлар бериши равшан. Ниҳоят, мактаб, махсус ҳунар-техника билим юрти, техникум, педагогика кенгашининг, шаҳар ёки район комсомол комитетининг тавсияси инобатга олинади. Мана буларнинг ҳаммаси қўшимча баллар хусусидаги гап. «Асосий баллар» эса, одатдагидек, имтиҳонларда олинади.

**— Бу соҳада ҳам ўзгаришлар борми?**

— Энди тўртта эмас, балки учта имтиҳон топширилади. Олий ўқув юртига кирувчиларнинг ҳаммасидан рус тилидан (ёки дарс ўтиладиган бошқа тилдан) ва адабиётдан иншо тарзида имтиҳон олинади. Иккинчи имтиҳон таълимнинг характери билан белгиланади. Гуманитар факультетларда жамиятшуносликдан, биология, қишлоқ хўжалиги,медицина, ветеринария, физкультура факультетларида биологиядан, бошқа факультетларда математикадан имтиҳон олинади. Ниҳоят, учинчи имтиҳонни институтнинг ўзи конкрет ихтисосга мувофиқ белгилайди.

**— Энди балларни ҳисоблаш керак эканда...**

— Ҳа, энди абитуриентлар тўплаган баллар йиғиндиси таққосланса, холисона жавоб чиқади. Мактабни медаль билан тугатганлар эса аввалгидек битта имтиҳон топширадилар.

Янги қоидалар халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларга мос келади, деди суҳбат охирида М. С. Салоҳиддинов.



## 240 ЎРИНЛИ ЁТОҚХОНА

**□ СЕРГЕЛИ массивида «Таштеплокоммунэнерго» бошқармаси ишчи-хизматчилари учун 240 ўринли тўққиз қаватли ётоқхона қурилмоқда. Кўп блокли ётоқхонанинг дастлабки «А» блоки фойдаланишга топширилди. Ҳозир кейинги блокларни монтаж қилиш ишлари давом этаяпти. 153-трестнинг 3-қурилиш бошқармасидан Эргаш Ҳасанов бошлиқ комплекс бригада бу объектни муддатидан илгари битказиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солмоқда. Суратларда: (чапдан ўнгга) пайвандчи А. Бекмуродов, монтажчи З. Алиев, бригадир Э. Ҳасанов, дурадгор И. Филиппов, монтажчи С. Соатов, пайвандчи А. Мирзааҳмедовлар навбатдаги сменада бажариладиган ишни муҳокама қилишаяпти. Ётоқхонанинг умумий кўриниши.**

**М. Юсупов** фотолари.



ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## СЕКРЕТАРЛАР КУНИ

Олмалиқ шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотлари секретарлари кунини ўтказди. У КПСС XXVII съезди материалларини омма ўртасида кенг тарғиб қилишни кучайтиришга бағишланди.

Секретарлар кунида сўзга чиққан шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. Беланов партия съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида тўхталди. Ҳадемай, бошланғич партия ташкилотларида съезд якунлари муҳокама қилиниши ва шу асосда конкрет вазифалар белгилаб олиниши керак. Нотиқ шу йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Шаҳар партия комитети секретари Н. Калимуллина партия съезди материалларини омма онгига ва қалбига етказишда бошланғич партия ташкилотлари олиб бориши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди. Шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири В. Сушенцев қарорлар ижроси устидан назорат қилиш формаларига тўхталди. Шаҳар партия комитети инструктори А. Мақсумов КПСС Уставига киритилган ўзгаришларни шарҳлаб берди.

Секретарлар кунида область «Билим» жамияти лектори Ю. Новиков ҳозирги босқичда КПСС ташқи сиёсатининг ленинча принциплари тўғрисида лекция ўқиб берди.

## ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

«Ўзбекистон» пахта тозалаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари Буюк Ғалабанинг 41 йиллиги шарафига Совет тинчлик фондини янада бойитиш юзасидан қимматли ташаббус бошладилар. Коммунистик район партия комитети бюросида бу ташаббус маъқулланди ва бошқа корхона ҳамда хўжаликларга кенг ёйиш тавсия этилди.

Ўтган йили 40 дан ортиқ ташкилот бу фондга 15 минг сўмлик ҳисса қўшган эди. Буюк Ғалабанинг 41 йиллиги шарафига жойларда «Хотира вахта»лари ўтказилади. Тушган маблағ тинчлик фондига тақдим этилади.

## КОЛЛЕКТОРГА «ЯХШИ» БАҲО

ҚАБУЛ қилиш комиссияси Тошкент областидаги икки район — Паркент ва Коммунистик районларида саноат ва уй-рўзғор оқинди сувларини қабул қиладиган 32 километр узунликдаги коллекторга «яхши» баҳо берди. Пай асосида иш кўрувчи бир неча ташкилот бу линияни барпо этишни 160-қурилиш трестига топширган эди. Мактаб, касалхона, Тошкент тўқимачилик комбинатининг филиали, уй-жойлар ҳозирдаёқ коллекторга уланди. Коллектор «Қуёш» объекти ҳузуридаги гелиометаллурглар посёлкасига ҳам хизмат қилади.

**(ЎзТАГ).**

*Техника тараққиёти жонкуярлари*

## МЕТАЛЛУРГ РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР

БЕКОБОДДАГИ Ўзбекистон металлургия заводини реконструкция қилиш, унинг янги қувватларини қуриш, мавжуд цехларини замонавий техника билан қайта жиҳозлаш бўйича ишлар ҳамон кенг кўламда олиб борилмоқда. Айни вақтда корхона рационализаторлари ва ихтирочилари ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, қолоқ участкаларни бартараф этиш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқдалар.

Уларнинг техникавий ижодкорликлари самараси дуруст бўлмоқда. Рационализаторликни иккинчи касб қилиб олган металлургларнинг ташаббуси билан амалга оширилган ташкилий-техникавий тадбирларнинг ижобий таъсирини ишлаб чиқаришнинг деярли барча бўлинмаларида кўриш мумкин.

Тиниб-тинчимаслар, ҳатто, янги фойдаланишга топширилган ишлаб чиқаришларда ҳам қатор операцияларни енгиллаштиришга эришмоқдалар. Шу туфайли уларнинг техникани тараққий эттиришдаги ютуқлари салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бирғина ўтган йили юзлаб рационализаторлик таклифлари амалга оширилиб, ундан кўплаб иқтисодий фойда кўрилди.

Корхона новаторлари ҳақида сўз кетганда аввало энг актив рационализаторлар — электр билан пўлат эритиш цехи техника бюроси бошлиғи Марат Ажимуродов, инженер Таисия Тян, инженер-конструктор Юрий Сосин, ишлаб чиқариш ветерани, кенг истеъмол товарлари цехи сирлаш участкаси созловчилар бригадири Мирза Махмутов ва бошқа ўнлаб инженерлар, техниклар, ишчилар номи биринчилар қаторида тилга олинади. Улар ўзларининг изланишлари билан ишлаётган участкаларида меҳнат шароитларини яхшилаш, унумдорликни ошириш, техника воситаларини такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Мураббийлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, ўндан ортиқ ёшларга ўз касби «сир»ларини ўргатиб, уларда машаққатли ва шарафли созловчиликка меҳр уйғотган Мирза Махмутов ижодкорликда ҳам кўпчиликка намуна бўлмоқда. Актив рационализатор сифатида у цехдагина эмас, бутун корхонада донг таратган.

Фақатгина сўнгги икки йилда у еттита таклиф билан чиқди. Уларнинг ҳар бири муҳимлиги ва қимматлилиги билан ажралиб туради. Созловчининг «Прогресс-1» маркали сир қоплаш ярим автомат қурилмасига киритган янгилиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Илгари бу агрегат турли хил буюмларга сир қоплаш учун қайта созланарди. Бу анча вақтни оларди. Оқибатда смена давомида кўплаб тўхтаб турарди. Шундай бўлгач, ундан самарали фойдаланишнинг иложи бўлмасди. Рационализатор кўп изланишлардан кейин бу аҳволни бартараф этиш йўлини топди. Ўз фикр-мулоҳазаларини мутахассислар билан ўртоқлашганда уни қўллаб-қувватлашди. Зарур ёрдамларини аяшмади, техник ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашишди.

Бундай ҳамкорлик туфайли созловчининг таклифи қисқа муддат ичида амалга оширилди. Унинг натижаси кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Ярим автомат қурилмани қайта созламасдан 12 хил идиш сирлаш имкони туғилди. Бу билан иш вақтининг зое кетиши кескин камайди, сирлаш жараёни янада енгиллашди, қўл меҳнати сарфи камайди. Шу биргина таклиф туфайли олинган жамғарма миқдори 50 минг сўмликни ташкил этди. Рационализаторнинг техникавий ижодкорлиги муносиб тақдирланмоқда. У моддий ва маънавий рағбатлантириб турилибди. Таклифлари туфайли кўрилган фойданинг муайян қисми мукофот сифатида ўзига тўланмоқда.

Инженер-конструктор Юрий Сосин ҳам рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатининг актив иштирокчиларидан. Унинг суяги металлургия саноатида қотган. Шунинг учун ҳам бу соҳада фойдаланилаётган асбоб-ускуналарни яхши билади. У ишлаш давомида ўз билим даражасини муттасил ошириб борди. Новокузнецкдаги Сибирь металлургия институтини сиртдан ўқиб тугатди. Амалий иш давомида назарияни пухта эгаллаши унинг ўз соҳаси бўйича етакчи мутахассис бўлишига, техникавий ижодкорлиги кўлами кенгайишига ёрдам берди.

Моҳир рационализаторнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифлари сони саксонтадан ошиб кетган. У электр билан пўлат эритишнинг кўпгина жараёнлари такомиллашувига ҳисса қўшди. Биргина аввалги йили амалга оширилган таклифлари сал кам қирқ минг сўмлик давлат маблағини тежаш имконини берди. Ўтган йилги ижодий изланишлари самараси ҳам салмоқли бўлди.

Ўзбекистон металлургия заводида бундай ишлаб чиқариш новаторлари сафи тобора ортиб бормоқда.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

## ЕР ҚАЪРИ СИРЛАРИНИ ОЧИБ

ТОШКЕНТДАГИ «Геологоразведка» заводида модернизация қилинган ва разведка ишларида қўлланиладиган пневмозарба пармалаш қурилмалари кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Ана шундай қурилмаларнинг РП-94 маркали дастлабки туркуми Закарпатье ва Красноярск ўлкасининг геологларига жўнатилди.

Янги қурилмадан абадий музликда ҳам, саҳрода ҳам, тоғларда ҳам фойдаланса бўлади. Агар олмос бурғи қўлланилганида тоғ жинслари гўё «қирқилса», янги усулда қаттиқ қотишмали коронка ёрдамида зарбали айланмали ҳаракат билан ер қаъри ўйиб борилаверади. Қудуқ тубини тозалаш учун сув ўрнига ҳаводан фойдаланилади. Бу эса разведка ишлари таннархини арзонлаштирмоқда.

Бу пармалаш қурилмаси СССР Геология министрлигининг ана шундай ускуналарни модернизация қилиш тўғрисида қабул қилган комплекс программасига мувофиқ тарзда ишлаб чиқарилмоқда. Синов натижалари янги ускунанинг иш унумдорлиги илгариларига нисбатан 30 процент ортиқлигини кўрсатди. Бунинг устига унинг вазни аввалги намунага қараганда тўртдан бирга енгиллашди. Геологларнинг фикрига қараганда, янги қурилма тоғ жинсларининг яхши намунасини олиш имконини бермоқда. Айни вақтда, чуқурликдаги қатламларнинг тузилиши ҳақида аниқроқ маълумотлар олиш мумкин.

Бу йил мамлакат геологларига РП-94 ускуналардан 500 та жўнатилади. «Геологоразведка» заводи ана шундай ускунанинг бир неча хил модификациясини ўзлаштиришни режалаштириб қўйди. У диаметри ҳар хил бўлган қудуқлар кавлашда қўл келади.

**(ЎзТАГ мухбири).**

*ИЛҒОР ТРАНСПОРТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР*

## ШОФЕРЛАР СУЛОЛАСИ

ҲАР БИР меҳнат коллективининг донгдор кишилари, ўз касбига садоқатли фидокорлари бўлади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Миновар Одилов «Ташгортрансэкспедиция» бошқармасининг шундай илғор ҳайдовчиларидан биридир.

Ишчи оиласида туғилган Миноварнинг ўсмирлик йиллари урушдан кейинги оғир пайтларга тўғри келди. Оилада 9 фарзанд бор эди. Шуларнинг иккинчиси бўлган Миновар еттинчи синфни тамомлаб, касб эгаллашга қарор қилди. Чунки, оиладаги шароит шуни тақозо этарди. Лекин суҳбат чоғида биз бу нарса масаланинг фақат бир томони эканлигини, масаланинг иккинчи асосий томони — унинг ёшлик чоғиданоқ техникага бўлган зўр қизиқиши эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Техникага бўлган ихлос уни 1956 йилда Бекободдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртига ўқишга етаклади. Кенг ихтисосли тракторчи гувоҳномаси билан Озиқ-овқат саноати министрлигининг моддий-техника таъминоти махсус базасида ўз касби бўйича ишлай бошлади. У дастлабки кунларданоқ ўзига ишониб топширилган техникани кўз қорачиғидек асраш, турли халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб беришда сидқидилдан меҳнат қилди. Совет Армияси сафига чақирилиб, йигитлик бурчини ўташ даврида КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

Хизмат бурчини ўтаб, жонажон Тошкентга қайтган Миновар яна ўша базада меҳнат фаолиятини давом эттирди. У ишлаш билан бир вақтда ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқишга қарор қилди. Мана унинг яна бир қалб орзуси — автомашина рулини бошқариш орзуси ҳам рўёбга чиқди — 1969 йилда у ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлига олди.

Йиллар ўтган сари Миновар Одилов қандай маркали автомашинада ишламасин, унинг техник жиҳатдан ишга доимо шай туришига, юк ортиш-тушириш вақтида бекор туриб қолишини иложи борича камайтиришга интилди. Меҳнат интизомига қатъий риоя қилганлиги учун топшириқларни мунтазам бажариш унинг учун одат тусига кириб қолди. Вақт ўтиши билан у оғир, лекин шарафли касбининг сир-асрорларини, нозик томонларини чуқур ўзлаштириб, маҳоратини ошира борди.

— 1977 йилда «Ташгортрансэкспедиция» бошқармасига ишга ўтдим,— дейди ҳайдовчи суҳбатни давом эттириб.— Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдек масъулиятли ишга ҳисса қўшаяпман.

У ўзига ажратиб берилган ЕрАЗ-762 маркали автомашинасини яхши сақлаб, ойлик планларнинг доимо 130—140 процент бажарилишига эришмоқда. У илғор ҳайдовчилардан ўрнак олиб, ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари адо этиш ташаббусига биринчилар қатори қўшилиб, мажбуриятини шараф билан уддалади. 1984 йилнинг июнь ойидаёқ ҳамкасблари тиниб-тинчимас ҳайдовчини беш йиллик шахсий планини муваффақиятли якунлаганлиги билан қизғин табрикладилар. Бирлашма кассасига беш йиллик пландаги 28 минг сўм ўрнига 33,8 минг сўм топширилди. Бу планга нисбатан 120,8 процент демакдир.

Коммунист, изланувчан ҳайдовчининг фидокорона меҳнатлари бирлашма маъмуриятининг эътиборидан четда қолмади. 1980 йилда коллектив унга катта ишонч билдириб, ҳайдовчилар бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади. Бундай юксак ишонч унинг ишга нисбатан масъулиятини янада оширди. Чунки илгари фақат ўзи учун, ўзига белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун жавоб берган бўлса, эндиликда бутун бир коллективнинг ишини ташкил этиш, бригада ҳар бир аъзосининг куч-ғайратини план ва олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида уддаланишига, меҳнат интизомига қатъий риоя қилинишига, хизмат кўрсатиш маданиятининг яхшиланишига сафарбар этиш унинг зиммасига юкланган эди.

Ҳозирги кунда бригада составида 9 нафар ҳайдовчи бўлиб, уларга ЕрАЗ-762 маркали 9 та автомашина бириктиб қўйилган. Ҳайдовчиларнинг кўпчилиги ишнинг кўзини билган, тажрибали, коллективнинг умумий манфаати учун жон куйдирадиган кишилардир.

Бригада бошлиғи бой тажрибасини ёшларга ўргатишдан эринмайди. Бирлашмада ундан ҳайдовчилик касбини эгаллашда кўплаб маслаҳатлар, қимматли йўл-йўриқлар олиб, эндиликда мустақил ишлаётган ёш ҳайдовчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Унинг укалари Зикрилла, Ҳабибулла, Нуриллалар ҳам шулар жумласидандир. Биз сўз билан айтганда Одиловларнинг бутун бир сулоласи аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳайдовчилик касбини эъзозлаб келмоқда.

Тажрибали шофёрнинг ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари, жамоат ишларидаги актив иштироки, ёшлар мураббийси сифатидаги хизматлари муносиб тақдирланмоқда. У ўн биринчи беш йиллик илғори, коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлган. Кўплаб Фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар унинг фидокорона меҳнатининг муносиб тақдиридир. Унинг расми республика Автомобиль транспорти министрлигининг «Ҳурмат тахтаси»дан муносиб ўрин олган.

— Ҳар қандай топшириқни виждонан бажариш, бригаданинг иши учун астойдил жон куйдириш уни бошқалардан ажратиб туради,— дейди бирлашма бош инженери Саидкамол Саидвалиев. — Ўтган йиллар мобайнида транспорт хизмати кўрсатиш борасида унинг адресига мижозлардан бирорта ҳам шикоят тушмаганлиги қувончли бир ҳолдир. Биз тажрибали ҳайдовчи, моҳир бригада бошлиғи Миновар Одилов билан ҳақли равишда фахрланамиз.

**Л. МАТКАРИМОВА,**
**«Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси пропаганда бўлимининг катта инженери.**

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

### «МАКТАБ ҚАЧОН БИТАДИ?»

**«Чиноз районидаги 29-ўрта мактабда 389 ўқувчи икки сменада таълим олмоқда. Синф хоналари етишмайди. Партапарда 3 тадан ўқувчи ўтиради. 624 ўринли мактаб қурилиши учун эса 1979 йилдаёқ лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлган. Шу йили бу қурилиш учун 286 минг сўм маблағ ҳам ажратилган эди...»**

**Газетанинг 19 февраль сонида босилган танқидий хабарда ана шулар ҳақида фикр юритилиб, мактаб биносини битказиб беришни ўз зиммасига олган 21-МПМК қурилиш ташкилотининг йўл қўйган жиддий камчиликлари кўрсатиб ўтилганди.**

**Халқ депутатлари Чиноз район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. Коршуновдан олинган жавобда айтилишича мактаб қурилиши 1986 йил планига киритилган. 1987 йилда эса қурилиш тугалланиб, мактабни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.**

### «ОЛДИМИЗДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ШУМИ?»

**Газетанинг шу йил 26 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Тошкент минерал сувлар шифохонасида даволанувчилар учун шароитлар ноқулайлиги, айрим тартибсизлик ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди.**

**«Редакцияга хат» рубрикаси остида босилган мазкур мақола шифохона коллективининг ишлаб чиқариш мажлисида муҳокама қилиниб, кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги тан олинган.**

**Беморларнинг белгиланган вақтда кўриш тартибини бузганликлари учун даволовчи врачлар Ж. Тўлаганов ва А. Турсуновларга ҳайфсан эълон қилинган. Биринчи терапия бўлимининг бошлиғи А. Тўлагановга беморлар томонидан билдирилган танқидий эътирозларга бефарқ қараганлиги учун ҳайфсан берилди. Биринчи терапия бўлимининг катта ҳамшираси М. Ғофурова, хўжалик ишлари бўйича ҳамшира С. Маҳмуджоновалар ҳам бўлимда тозалик-саришталикка эътибор бермай қўйганликлари учун маъмурий йўл билан жазоландилар. Шунингдек мавжуд бўлимларнинг бошлиқлари А. И. Белоусова, В. Н. Красулина, К. М. Болтаев, М. И. Санилевич, бош врачнинг даволаш ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари М. А. Озенбашли ва А. Мирзаев ўртоқлар ўзларига топширилган ишлардаги тартибсизлик ва йўл қўйилган нуқсонлари учун жиддий огоҳлантирилдилар. Уларга аниқланган камчиликларини қисқа муддатда бартараф этиш вазифаси юклатилди.**

**Коллектив йиғилиши бош врач зиммасига юз берган камчилик-нуқсонларнинг бартараф этилиши, даволаш ишларида қатъий тартиб ўрнатиш ва ташкилий ишларни яхшилаш юзасидан доимий назоратни кучайтириш масъулиятини юклади.**

